# Жума кечаси амаллар кўтарилади




10:05 / 05 апрель 3398

???? ????? ???????? ??????????? - ???????
????????? ???? ???????? - ?????: ???????? ?????
?????????? ????????? ??????????? ????????
??????????? ???????: ????????? ????? ?????
??????? ?????? ?????? ????? ???? ?????????.
?????? ?????? ??????? ?????? ????? ?????????
??????? ????? ??????? ???? ???? ????????? ??????
??????????? ???????? ?????????? ????????? ????:

??? ????? ?????! ??? ????? ????? ?????: ????????
????? ?????????? ??????? ????? ???????. ???????:
??????? ???????? ???????? ???? ????? ??????
?????: ???????? ?????????? ? ???????: «?????
????????? ????? ????? ???????? ????? ?????
????????? ?????????? ????????? ????? ???????
???????? ???????????? ????? ???????? ??????
??????? ??????». ??????? ????????????? ???
????????? ??????????.

Абу Айюб Сулаймон розияллоҳу анҳудан (Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг озод қилган қуллари) ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу пайшанбадан жумага ўтар кечаси бизга келдилар-да: «Қариндошлик риштасини узган кишилар бизнинг олдимиздан туриб кетсинлар», – дедилар. Лекин ҳеч ким турмади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бу сўзни уч марта қайтарганларидан кейин бир йигит туриб кетди. У икки йилдан буён алоқани узиб юрган аммасининг уйига бориб, унга салом берди. Аммаси таажжубланиб: «Сени бизга қандай шамол учириб келди, қанча вақтлардан буён келмай юриб, энди келиб қолишингнинг сабаби нима?» – деб сўради. У: «Мен Абу Ҳурайрадан шундай-шундай деганини эшитганим учун келдим», – деди. Аммаси: «Абу Ҳурайранинг олдига қайтиб бориб, нима учун у шундай деганининг сабабини сўра», – деди. Йигит Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг олдига бориб, сўраган эди, Абу Ҳурайра: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ҳар пайшанбадан жумага ўтар кечаси бандаларнинг қилган

амаллари Аллоҳ таолога аён бўлади. Бу вақтда Аллоҳ таоло қариндошлик риштасини узган кишиларнинг амалларини қабул қилмайди», – деган сўзларни эшитганман», – дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

***«Жума ҳақидаги оят ва ҳадис» китобидан***